# ???? Ўзбекистондаги #эпидемиологик_вазият'га оид сўнгги янгиликлар

????4 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирусдан жами зарарланиш ҳолатлари 2189тани (+40 (https://kun.uz/news/2020/05/04/ozbekistonda-koronavirusdan-zararlanish-holatlari-soni-2189taga-yetdi)), тузалганлар 1405 нафарни (+86 (https://kun.uz/news/2020/05/04/ozbekistonda-koronavirusdan-sogayganlar-soni-1400dan-oshdi)), қурбонлар 10 нафарни ташкил этмоқда.
????Самарқанд вилоятининг айрим ҳудудларида карантин қоидалари юмшатилмаган эди (https://kun.uz/news/2020/04/30/samarqand-viloyatining-ayrim-hududlarida-karantin-qoidalari-qatiyligicha-qoladi). 4 майдан Тойлоқда назорат янада кучайтирилди. Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов мурожаат билан чиқди (https://kun.uz/news/2020/05/04/agar-qoidalarga-amal-qilmasak-karantin-yanada-jiddiylashishi-mumkin-turdimov-samarqandliklarga-murojaat-qildi).
????Ниҳоят, Навоий вилояти ҳам коронавируссиз ҳудудга айланди (https://kun.uz/news/2020/05/04/navoiy-viloyati-koronavirusdan-xoli-hududga-aylandi). Вилоятда икки бемор март ойи охирида аниқланган эди. Бундан олдин Жиззах ва Қашқадарёда ҳам коронавирус беморлари қолмаганди.
????Андижонда маълум талаблар асосида сартарошхона ва меҳмонхоналар, 4700дан ортиқ таксилар фаолиятига рухсат берилмоқда (https://kun.uz/news/2020/05/04/sartaroshxonalar-mehmonxonalar-va-taksilar-andijonda-bir-qancha-sohalar-faoliyatiga-ruxsat-berildi).
????Таҳлиллар пандемиянинг Ўзбекистондаги кечиши Хитойдаги билан жуда ҳам ўхшашлигини кўрсатмоқда (https://kun.uz/news/2020/05/04/ozbekistonda-pandemiya-xitoy-modeli-boyicha-otmoqda-davolanayotganlar-soni-bir-oy-osdi-va-ikki-haftadan-beri-pasaymoqda).
????ИИВ карантин вақтида автомобилда ҳаракатланиш билан боғлиқ айрим саволларга жавоб берди (https://kun.uz/news/2020/05/04/iiv-karantin-vaqtida-avtomobilda-harakatlanish-bilan-bogliq-eng-muhim-savollarga-javob-berdi).
????Долларнинг расмий курси кетма-кет иккинчи ҳафта пасайди (https://kun.uz/news/2020/05/04/dollarning-rasmiy-kursi-pasaydi).

2020-05-05 06:01:05